

ЖАЛОЛИДДИН ХОРАЗМИЙНИНГ УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7812342>

Илхомжон Муроталиевич Гофуров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторанти,

Тошкент ислом институти ўқитувчиси

телефон 93 480 04 40

Аннотация.

Ушбу мақолада “Ҳидоя” асарини шарҳлаган машҳур олим Жалолiddин Хоразмийнинг устоз ва шогирдлари ҳақида сўз боради. Олим дастлаб отасидан таълим олгани, кейинчалик Ҳисомиддин Сигноқий, Абдулазиз Бухорий ва Тожуддин Бухорий каби ислом оламида машҳур ва кўзга кўринган олимлардан фикҳ, усулул фикҳ, лугат ва ҳадис илмларини мукаммал эгаллагани ёритиб берилган. Қолаверса, мақолада Жалолiddин Хоразмийдан таълим олиб ислом илмларида имомлик даражасига етган бир қанча шогирдлари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

Калит сўзлар.

Мазҳаб, “соҳибу-л-кифоя”, табақот, тарожим, фикҳ, усулул-л-фикҳ, ҳадис, маъқул, манқул, имом.

Жалолiddин Хоразмий, яъни “Соҳибу-л-Кифоя фи шарҳи-л-Ҳидоя” (Ҳидоянинг шарҳи Кифоя асарининг муаллифи) номи билан бутун ислом оламида машҳур бўлган бу олимнинг тўлиқ исми – Саййид Жалолiddин ибн Саййид Шамсиддин Хоразмий, Гурланий, Ҳанафийдир (ваф. 767/1366)⁷². Манбаларда Жалолiddин Хоразмийнинг иккинчи нисбаси, яъни “Гурланий” номи борасида турли хилликлар учрайди. Жумладан: “Кирмоний”,⁷³ “Гурлалий”,⁷⁴ “Гурлабий”⁷⁵ шулар шумласидан.

Юқорида санаб ўтилган нисбалардан энг тўғриси Гурланий ҳисобланади. Зеро, табақот, тарожим (библиографик) жанридаги манбаларда мана шу нисбатни тўғрилигини яқдиллик билан таъкидланган ва

⁷² Ҳожи Халифа // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Сулламу-л-вусул ила тобақоти-л-фухул. – Истанбул: Ирсиқа, 2010. – Ж. V. – Б. 243.

⁷³ Муҳаммад ибн Сулаймон Рувданий // Доктор Муҳаммад Ҳажи таҳқиқи. Силату-л-халаф би мавсули-с-салаф. – Байрут: Дору-л-ғорби-л-ислабий, 1988. – Б. 457.

⁷⁴ Абдулхай Лакнавий. Ал-Жамиъу-с-сағир. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 34.

⁷⁵ Шамсиддин Саховий. Аз-зовъу-л-ламиъ лиахли-л-қорни-т-тасиъ. – Байрут: Дору-л-жийл, 1992. – Ж. II. – Б. 196.

Жалолоддин Хоразмийдан кейин яшаб ўтган аксар уламолар унинг нисбасини “Гурланий” деб айтишган. Қолаверса, Хоразм вилоятида Гурлан тумани жойлашгани ва у ерда олимнинг қабри борлиги ҳам мазкур қарашнинг тўғрилигини исботлайди.

Жалолоддин Хоразмий зиёли хонадонда ўсиб улғайди. Отаси етук олимлардан бўлиб, Шамсиддин (диннинг куёши) деб аталар эди. Олим илм талабига ўта ҳарис бўлган. Хусусан, фикҳ, усулул фикҳ, луғат ва ҳадис илмларини ўша вақтдаги кўзга кўринган етук олимлардан ўрганган. Улардан машҳурлари қуйидагилар:

1. Ҳисомиддин Сифноқий номи билан машҳур бўлган Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож ибн Али (ваф. 714/1314)⁷⁶. Сифноқий Ҳофизуддин Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад Абулфазл Бухорийдан,⁷⁷ у Шамсулаимма Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад ибн Имодий, Курдийдан,⁷⁸ у эса “Ҳидоя” асари соҳиби Шайхулислом Али ибн Абу Бақр ибн Абдужалил Фарғоний Бурхониддин Марғинонийдан таълим олган⁷⁹.

Ҳисомиддин Сифноқийнинг туғилган йили борасида манбаларда аниқ маълумотлар келтирилмаган. Бироқ, у кишининг ҳаёти ва ижоди, узтоз ва шогирдларини ўрганиш натижасида VII/XIII аср иккинчи ярми бошларида туғилганини айтиш мумкин бўлади.

Аллома Сифноқий илм ва олимларга муҳаббатли киши бўлган. Шу йўлда Бағдодга бориб у ердаги олимлар билан учрашади сўнгра 710/1310 йилда илм талабида Дамашққа ҳам ўтади. Ундан кейин Ҳалабга келиб бош қози Носириддин Ибнулқози Камолиддин билан учрашади ва унга 711/1311 йилда “Ҳидоя” асарига ёзган шарҳидан бир нусха кўчириб беради⁸⁰.

Сифноқий бир неча шайхлардан таълим олган. Улардан машҳурлари: Имом Ҳофизуддин Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорий (ваф.

⁷⁶ Ҳожи Халифа айтади: “Ас-Сифноқий” бу “Сифноқ”қа нисбатан айтилган. Ҳисомиддин Ҳусайн Али ибн Ҳажжожнинг Сифноқий Ал-Ҳанафийнинг нисбаси ҳам шундан олинган. Ҳожи Халифа // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Сулламу-л-вусул ила тобақоти-л-фуҳул. – Истанбул: Ирсика, 2010. – Ж. V. – Б. 91.

⁷⁷ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи тобақоти-л-ҳанафия. – Қоҳира: Дору-л ҳижра, 2005.– Ж. II. – Б. 121; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 62.

⁷⁸ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи тобақоти-л-ҳанафия. – Қоҳира: Дору-л ҳижра, 2005.– Ж. II. – Б. 82; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 199.

⁷⁹ Ўша манба. – Ж. I. – Б. 383; Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фий тобақоти-л-ҳанафийя. – Боғдод: Ал-Аний, 1962. – Б. 267; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 141.

⁸⁰ Тақиюддин ибн Абдулқодир Таймий Дорий. Табақоту-с-сания фи тарожими-л-ҳанафия. – Риёд: Дору-р-Рифоъий, 1983. – Ж. III. – Б. 150-152; Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи тобақоти-л-ҳанафия. – Қоҳира: Дору-л ҳижра, 2005.– Ж. II. – Б. 114-116.

693/1294);⁸¹ Фахриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Илӛс Моймарғий (ваф. 688/1289);⁸² Имом Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафийлар⁸³.

Ўз навбатида Сиғнокийдан ҳам бир неча олимлар таҳсил олишган. Қивомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Аҳмад Хўжандий Кокий (ваф. 749/1348);⁸⁴ Аҳмад ибн Али ибн Маҳмуд Жалолиддин Ғиждувоний (ваф. 720/1320)⁸⁵; Саййид Жалолиддин ибн Саййид Шамсиддин Хоразмий, Гурланий, Ҳанафий (ваф. 767/1366); Қози Носириддин Муҳаммад ибн Қози Камолиддин Абу Ҳафс Умар ибн Адим (ваф. 752/1351)⁸⁶; Абдуллоҳ ибн Ҳажжож ибн Умар Кошғарий Ҳанафий ас-Суфийлар шулар жумласидан⁸⁷.

2. Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Аловуддин Бухорий Ҳанафий Усулий(ваф. 729/1329)⁸⁸. Абдулазиз Бухорий амакиси Фахриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Моймарғий Насафий (ваф. 688/1289) ва Ҳофизуддин Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад Абулфазл Бухорийдан (ваф. 729/1329) талим олган⁸⁹.

Абдулазиз Бухорийдан Жалолиддин Умар ибн Муҳаммад Хоббазий, Қивомиддин Кокий (ваф. 749/1348), Аловуддин Абу Наср Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофизийлар таълим олишган.

Абдулазиз Бухорийнинг имом Паздавий каламига мансуб “Усул” (Асослар) асарига “Кашфу-л-асрор” (Сирлар кашфи) номли шарҳи,

⁸¹ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-ҳижра, 2005.– Ж. III. – Б. 337;

⁸² Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафия. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 62; Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-ҳижра, 2005.– Ж. II. – Б. 114-116; Аҳмад ибн Мустафо. Мифтаху-с-саъода. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1993. – Ж. II. – Б. 266.

⁸³ Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фий табақоти-л-ханафийя. – Боғдод: Ал-Аний, 1962. – Б. 30; Аҳмад ибн Мустафо. Мифтаху-с-саъода. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1993. – Ж. II. – Б. 168. Ибн Ҳажар Асқалоний. Ад-Дурау-л-каамина. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Ж. II. – Б. 352.

⁸⁴ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 186; Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фий табақоти-л-ханафийя. – Боғдод: Ал-Аний, 1962. – Ж. II. – Б. 240. Умар Ризо. Мўъжаму-л-муаллифин. – Байрут: Дору ихёи-т-туроли-л-арабий, 1993. – Ж. III. – Б. 620.

⁸⁵ Ҳофиз Жалолиддин Суютий // Муҳаммад Абулфазл таҳқиқи. Буғяту-л-вуйот фи табақоти-л-луғавиййина ва-н-нуҳот. – Қоҳира: Ийсо боби ҳалабий, 1964. – Ж. I. – Б. 347.

⁸⁶ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 58-59.

⁸⁷ Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фий табақоти-л-ханафийя. – Боғдод: Ал-Аний, 1962. – Б. 25.

⁸⁸ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-ҳижра, 2005.– Ж. I. – Б. 383; Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фий табақоти-л-ханафийя. – Боғдод: Ал-Аний, 1962. – Б. 206. Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 141.

⁸⁹ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-ҳижра, 2005.– Ж. II. – Б. 121; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислабий, 1906. – Б. 199.

Ахсикетийнинг “Мунтахаб” (Сайланма) асарига “ат-Тахқиқ ала-л-Мунтахаб” (Сайланма асарига тахқиқ) китоби ва “Китабу-л-афния”, “Арбаъуна фи-л-хадис”, (Қирк хадис) “Шарху-л-хидоя” (Хидоя шархи) асарлари мавжуд.

Қивомиддин Кокий устози Абдулазиз Бухорий билан Термизда учрашиб ундан фикҳ илмини ўрганган. Ўша вақт Абдулазиз Бухорий шогирдининг илтимосига биноан “Шарху-л-хидоя” асарини таълиф этган. Асар “Никох” китобигача ёзилган бўлиб, тугалланмаган. Абдулазиз Бухорий 729/1329 йил Бухорода Муҳаррам ойида вафот этган⁹⁰.

3. Тожуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳофизий Бухорий. Бу киши Хўжа Муҳаммад Порсонинг (ваф. 710/1310) бобоси бўлиб, ўша вақтдаги кўзга кўринган уламолардан эди. Ҳофизийдан: “Мен Жалолиддин Гурланийдан дарс эшитганман ва унга “ал-Манзумату-н-насафия”ни ўқиб берганман”, деган сўзлари нақл қилинган⁹¹.

Жалолиддин Хоразмийнинг машҳур устозлари мана шулар. Олим бундан ташқари илмда пешво бўлган бир қанча олимлардан ҳам таҳсил олиб, ўз асридаги турли илм соҳаларини мукаммал эгаллаган. Хоразмий масалаларни аниқлашда ва далилларни чуқур ўрганишда илм толиблари орасида шуҳрати кенг тарқалган эди. Унинг етук илми ва маърифатидан фойдаланиш учун мусулмон ўлкаларнинг турли чеккаларидан илм талабидагилар келишар эди. Қуйида улардан машҳурларини келтириб ўтамыз:

1. Муҳаммад ибн Шихоб ибн Юсуф ибн Умар ибн Аҳмад Носируддин Кардарий Хоразмий бўлиб, ҳанафий фақиҳлардан саналади. Муҳаммад Кардарий барча илм турларини, жумладан: усул ва фуруъ, маъқул ва манқул илмларини жамлаган эди. Олим “ал-Фатавои ал-Баззозия” (Баззозийя фатволари) асари соҳиби Ҳофизуддин Муҳаммад Баззозийнинг (ваф. 827/1424) отаси бўлган⁹².

⁹⁰ Кураший Абдулқодир. Ал-Жавохиру-л-музия фи табақоти-л-ханафия. – Қоҳира: Дору-л-хижра, 2005.– Ж. I. – Б. 328; Исмоил Пошо Бобоний Бағдодий. Ҳадийяту-л-орифин. – Истанбул: Матбаату-л-бахийя, 1955. – Ж. I. – Б. 314; Муҳаммад Роғиб Таббох Ҳалабий // Муҳаммад Камол таҳқиқи. Иъламу-н-нубало битарихи хаби-ш-шуҳабо. – Ҳалаб: Дору-л-қалам, 1988. – Ж. IV. – Б. 503-504; Умар Ризо Каҳола. Мўъжаму-л-муаллифин. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993. – Ж. IV. – Б. 28.

⁹¹ Ҳожи Халифа // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Сулламу-л-вусул ила табақоти-л-фуҳул. – Истанбул: Ирсика, 2010. – Ж. V. – Б. 243-308.

⁹² Маҳмуд ибн Сулаймон Ҳанафий Кафавий. Катаибу аълами-л-ахёр. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж. II. – Б. 462; Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ханафийя. – Байрут: Дору-л-китаби-л-исламий, 1906. – Б. 172-178. Ибн Имод. Шазароту-з-заҳаб фи ахбарин ман заҳаб. – Байрут: Дору ибн Касир, 1986. – Ж. 182. – Б. 7. Ҳожи Халифа // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Сулламу-л-вусул ила табақоти-л-фуҳул. – Истанбул: Ирсика, 2010. – Ж. III. – Б. 236.

2. Тоҳир ибн Ислоҳ ибн Қосим ибн Аҳмад Ансорий Хоразмий. Олим ҳаж қилиб қайтишда Румга, кейин Мисрга ўтиб ўша ерда яшаган ва фикҳ борасида мухтасар шаклида жуда чиройли қилиб “Жавахиру-л-фикҳ” (Фикҳ жавҳари) асарини 771/1369 йилда ёзиб тугатган⁹³. Асар ўн бобдан ташкил топган. Унинг нусхалари Риёз, Искандария, Қоҳира ва Бағдоддаги кутубхоналарда сақланади⁹⁴.

3. Абдулаввал ибн Бурҳониддин Али ибн Имоиддин ибн Жалолиддин Муҳаммад ибн Зайнуддин Абдурроҳим ибн Имоиддин Али ибн Абу Бакр Марғиноний⁹⁵. Бу киши тафсир, ҳадис ва бошқа илмларни мукамал эгаллаган. “Ҳидоя” китобини устози Гурланийдан бобоси Марғинонийгача муъанъан⁹⁶ йўли билан ривоят қилган. Унга устози Жалолиддин Хоразмий 814/1414 йилда ижоза ёзиб берган⁹⁷.

4. Аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалол Абу Тоҳир ибн Шамс ибн Жалол ибн Жамол Хўжандий Маданий⁹⁸. Бу киши ҳанафий фақиҳи ва адиби бўлиб, илм таҳсили учун кўп сафар қилар эди. Ўз асрининг бир неча етук уламоларидан таҳсил олган. Жумладан, Жалолиддин Хоразмийдан таҳминан ўн бир йил давомида таълим олган. Олим “Шарҳу-л-арбаъийна-н-набавийя”, “Фирдавсу-л-мужааҳидин” каби асарлар ёзиб қолдирган. Олим Рамазон ойида Мадинаи шарифда 802/1400 йили вафот этган⁹⁹.

5. Аловуддин Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳанафий¹⁰⁰. Олим Жалолиддин Гурланийдан таълим олиб фикҳ, усул, маъоний ва баён илмларида порлаб чиққан. Бир неча шаҳарларда дарс берган. Жумладан, Мардинда бир муддат туриб сўнгра Ҳалабга ўтган. Зоҳир Барқук Мисрда мадраса ташкил этгандан сўнг Аловуддин Сийрофийни шу ерга чақирган, натижада олим 788/1386

⁹³ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-исламий, 1906. – Б. 84. Махмуд ибн Сулаймон Ҳанафий Кафавий. Катаибу аълами-л-ахёр. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж. II. – Б. 397; Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун ан асоми-л-кутуб ва-л-фунун: – Байрут: Дору-л-фикр, 1998. – Ж. I. – Б. 615; Умар Ризо Каҳола. Мўъжаму-л-муаллифин. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993. – Ж. V. – Б. 35.

⁹⁴ Хайруддин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дору-л-илм ли-л-малайин, 1998. – Ж. II. – Б. 314.

⁹⁵ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-исламий, 1906. – Б. 58.

⁹⁶ Муъанъан – Ровий ривоятни “ан фулан ан фулан”, деб келтирса, ўша хабар “муъанъан хабар” дейилади. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Муталаҳул ҳадис. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2011. – Б. 158.

⁹⁷ Муҳаммад Абдулхай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-исламий, 1906. – Б. 85.

⁹⁸ Шамсиддин Саховий. Аз-зовъу-л-ламиъ лиаҳли-т-тасиъ. – Байрут: Дору-л-жийл, 1935. – Ж. XI. – 199-200;

⁹⁹ Шамсиддин Саховий. Аз-зовъу-л-ламиъ лиаҳли-т-тасиъ. – Байрут: Дору-л-жийл, 1935. – Ж. II. – Б.194-199.

¹⁰⁰ Ибн Ҳажар Аскалоний. Ад-Дурару-л-каамина. – Байрут: Дорул-китаби-л-исламий, 1906. – Ж. I. – Б. 329. Тақиюддин ибн Абдулқодир Таймий Дорий. Табақоту-с-сания фи тарожими-л-ҳанафия. – Риёд: Дору-р-Рифоъий, 1983. – Ж. II. – Б. 99.

йили мадрасада ҳанафий мазҳабидан дарс бера бошлаган. Изз ибн Жамоъа: “Аловуддин Сийрофий шайхларнинг шайхи, “Зохирияйи Барқия” мадрасаси мударриси”, деб мақтаган. Олим 795/1393 йили Жумадул аввал ойида вафот этган¹⁰¹.

6. Али ибн Ҳофиз Ҳасан Қаримий. Махбубийнинг “ат-Тавзих” (Ийзоҳ) китобидан нусха кўчириб, асар сўнгида бу ишни Хоразмдаги “Соминийя” мадрасасида 736/1335 йили Рамазоннинг ўн тўртинчи куни аср вақтида тугаллаганини айтиб ўтган. Шу воқеъадан беш ой ўтиб, яъни 737/1336 йили Сафар ойининг ўн иккинчи куни пайшанбада Гурланийдан ижоза олган¹⁰².

Хулоса қилиб айтганда Жалолиддин Хоразмий ўз асрининг етук олимларидан таҳсил олган. Устози Ҳисомиддин Сиғноқийдан бошлаб, учта силсила орқали Имом Марғинонийга боғланади. Устози Ҳисомиддин Сиғноқий ҳам Хоразмий сингари “ал-Ҳидоя” асарига шарҳ ёзган. Ўз навбатида Хоразмийдан таълим олган шогирдлар ҳам ислом илмлари имомлари даражасига етишган.

¹⁰¹ Ҳожи Халифа // Шуайб Арнаут таҳқиқи. Сулламу-л-вусул ила тобақоти-л-фуҳул. – Истанбул: Ирсика, 2010. – Ж. I. – Б. 242; Маҳмуд ибн Сулаймон Ҳанафий Кафавий. Катаибу аълами-л-ахёр. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1971. – Ж. II. – Б. 394; Ибн Имод. Шазароту-з-заҳаб. Шазароту-з-заҳаб фи ахбарин ман заҳаб. – Байрут: Дору ибн Касир, 1986. – Ж. VI. – Б. 312; Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий. Фавоиду-л-бахийя фи таржимати-л-ҳанафийя. – Байрут: Дорул-китаби-л-ислаимий, 1906. – Б. 144.

¹⁰² Содруш Шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Тожуш Шариъа. Ат-Тавзих фи ҳалли ғовамизи-т-танқиҳ. – Б. 190,191. Туркиядаги “Жоруллоҳ” мактабасида 451 рақам остида қўлёзма ҳолатида сақланади.